

ЁШ ОЛИМЛАР ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРИ ТЎПЛАМИ

ЖУРНАЛИСТИКА

ФИЛОЛОГИЯ

ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ

ФАЛСАФА

ТАРИХ

ХИМИЯ

БИОЛОГИЯ

ГЕОГРАФИЯ

ИҚТИСОД

ИНФОРМАТИКА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

МАТЕМАТИКА

ЯНГИ ЙЎНАЛИШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

**ЁШ ОЛИМЛАР
ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

Тошкент – 2014

Умумлексида қўлланилмайдиган тасаввуфий истилоҳлар	172
Маҳмуд аз-Замахшарийнинг тилшунослик фани ривожига қўшган ҳиссаси	174
«Бобурнома» сюжети ва композициясида тарихий сиймоларнинг ўрни.....	178
Ўзбек тили терминалогиясининг ташқи манбалар ҳисобига бойиши	185
Ҳаётнинг мураккаб муаммолари талқини	188

ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ

Nemis va o'zbek tillarida frazeologik sinonimlar va ularni tarjima qilish muammolari	192
Nemis va o'zbek tillaridagi sifatdoshlarning sintaktik xususiyatlari	195
Terminning tarjima metodlariga doir	198
Nemis tili iqtisodiy leksikasida anglitsizmlarning kirib kelishi va klassifikatsiyasi.....	202
The importance of teaching socio-political terms	206
Tarjimasida ekvivalent tanlash masalalari	209
Nemis va o'zbek tilida frazeologik antroponimlar va ularning semantik xususiyatlari.....	212
Немис ва ўзбек тилларида ирония, сатира, юмор ва анекдотлар таржимасида миллий колорит муаммолари.....	215
Lingvokulturologiyaning madaniyatlararo muloqotdagi o'rni.....	218
XX asr ўзбек адабиётида поэма жанри	221
Таржимон талабаларнинг тайёргарлиги самарадорлигини оширишнинг методик аспекти	223
Healthy and modern generation: sharing some strategies for teaching english language	226
Умумий ўрта таълим мактабларида Абдулла Орипов ижодини ўргатиш	228
«Мурдалар гапирмайдилар» қиссасида номеъёрий лексиканинг қўлланиши.....	233
Zamonaviy nemis adabiyotida kishilar o'rtasidagi munosabatlar psixologiyasi.....	236

*Расулова Сарвиноз Садатовна,
ЎзМУ катта илмий ходим-изланувчиси*

«МУРДАЛАР ГАПИРМАЙДИЛАР» ҚИССАСИДА НОМЕЪЁРИЙ ЛЕКСИКАНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Адабиётнинг биринчи элементи – тил. Тил – адабиётнинг асосий қуроли, ҳаёт ҳодисалари фактлар билан бирга унинг материалидир. Тил бадиий адабиётда характерлар ва манзаралар яратиш қуролидир. Ҳар бир ёзувчи асарини ёзишда халқ тилидан унумли ва ўрнида фойдаланади. Тоҳир Малик ана шундай адиблардан биридир. У «Мурдалар гапирмайдилар» қиссасида халқ тили элементларидан моҳирона фойдаланади. Қиссанинг тили ўз жозибадорлиги, ширалилиги, сермаънолиги ва бўёқдорлиги билан китобхоннинг диққатини ўзига тортади. Ёзувчининг тил маҳорати асардан асарга ўсиб, бойиб боради.

Тилдаги юмуқ иборалар, фразеологик бирликлар, мақол ва маталлар ҳам образлиликни юзага келтириш, фикрни аниқ ва тиниқ, қисқа ва лўнда ифодалашнинг имкониятларидан бири сифатида хизмат қилади. Бундай бирликлар ўзларининг юксак ва барқарор образлилиги билан асарга кучли таъсирчанлик бағишлайди. Бу каби тасвирий воситалар асарни янада юксалтиради.

Воқеликни сўз ёрдамида образли акс эттиришда Тоҳир Малик миллий тилимизнинг бутун бойлигидан, битмас-туганмас хазина ва имкониятларидан унумли равишда баҳра олади. Образни вужудга келтириш учун ҳар доим махсус сўзлардан, хусусан, ўхшатиш, синоним, антоним, омоним, мақол, матал, фразеологизмлар, жаргон ва арго, вульгаризм, метафора ва жонлантириш сингари тасвирий воситалардан кенг ва ўринли фойдаланади.

Тоҳир Малик жиноят олами, ўғрилар тўдаси ва уларнинг характерини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам у қатор асарларида жаргон ва вульгаризмлардан оқилона ва ўз ўрнида фойдаланади. Бу анъана «Мурдалар гапирмайдилар» қиссасида ҳам давом эттиради. Ёзувчи жаргонларни қиссада ҳеч бир ўзгаришсиз айнан ўзини қўллайди. Қуйида асарда қўлланган жаргонларни бериб ўтамыз: Чучмек – ўзбек; пассажир – тасодифан қамалган одам; пупкар – милиса; честняга – ҳалоллик; козёл – қамоқхона маъмуриятига содиқ ёрдамчи; бикса – хотин; малява – хат; беспределъщик – ваҳшийсифат одам; трамвайга қўйиш – ҳаммомга олиб кириб, 20-30 тасининг галма-гал «гаплашиши»; кум – лагер бошлиғи; лепила – дўхтир; политбюро – эътиборли ўғриларнинг машварати; роялда ўйнамоқ (сыграть на рояле) – бармоқ изларини қодирмоқ; жмура – қанжик; елканларини поралаб ташлаш

– бесоқолбозлик; кўмирхона – қимор ўйналадиган жой; биковатый – ақлсиз, тўнка; жучок – ёш ўғрилар; закрой поддувало ёки привяжи метлу – оғзингни ёп; энзе – эҳтиётдан яшириб қўйилган ароқ...

Ёзувчи қамоқхонадагилар, хусусан, ўғрилар тилига хос айрим ибораларни, сўзларни таржима қилмай ёзишни маъқул кўради. Буни асарда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари ёзувчи ўз асарида айрим қаҳрамонларнинг маданиятсизлиги ва дағаллигини бўрттириб кўрсатиш учун вульгаризмдан фойдаланади. Бу, хусусан, Адолат, Тошболта, Турсуналининг характерини очишда яққол намоён бўлади: Оббо хунаса-ей, Турсунали тупургану у ялаган; қанжиқ, саломинг бошингни есин, ҳе энангди... уйинг куйгур; ғар, – ҳа ғар бўлмай гўрмиди?; тирик ўликнинг ўзгинаси, ўлиб ўлмайди, жонланиб жонланмайди. Бошимга битган бало бўлди. Тракторчилигида яғирларини ювавериб қўлим қаварган эди, энди исқиртларини ювиш ҳам пешонамга ёзилган экан... Айтинг, ўлиб қолмасин, ўлса бутун йиққан-терганларим соврулади... Дўхтир ўлгур нуқул қимматини танлаб ёзиб берибди; шилта, хув қораларинг ўчсин-а, ер юткурнинг сирини мен билмай, яна ким билсин? аборт; ўлмай ўла қолсин, бу қиз ўлгур, бошимга битган бало бўлди; мегажин, ўйнаш, эркаксираб боради-да, ит ғажиб ташлаган бир суяк эди, шу сарқитнинг бармоғига 2 та узук тақасанми? Свежийларидан топмайсанми? Шумшук, қўлинг сингур, жувонмарг, Худо урди, қора шақшақ, ҳе турқинг курсин сенларнинг, жигарларингни қурт кемириб қуритсин, қаро ерга кир, сўтак...

Тоҳир Малик ҳар бир қаҳрамонни тасвирлашда мақол ва иборалардан худди образга кириш қилгандек тасаввур ҳосил қилади. Масалан, Адолат образини батафсил тасвирлашдан аввал бир мақол келтиради, сўнг эса уни тасвирини беради: «Кўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутулсан, хотининг ёмон бўлса, қўйиб қутулсан»¹. Ҳар бир қаҳрамонни тасвирлашда хоҳ у бош, хоҳ эпизодик қаҳрамон бўлсин, албатта, мақол келтиради.

Бадий асар тилини янада жозибали, ширали, бўёқдор қиладиган яна бир унсур бу иборадир. «Мурдалар гапирмайдилар» қиссасида ёзувчи иборалардан жуда унумли фойдаланади: Тузини еб тузлиғига тупурганларни лаънатлади (7-бет); Эгар урилмаган асов от (67-бет); Сен қулоққа лағмон осма, Мурик (76-бет); У юлдузни бенарвон урадиган тоифадан эмасди (151-бет); Кўрмаганнинг кўргани курсин (152-бет); Меъдага тегувчи бу «катта ашула» охири Нуриддиннинг сабр косасини тоширди (173-бет); Ўғрини қароқчи урса шундай бўлади (175-бет); Худди томдан тараша тушгандай (178-бет); Эски пичоққа

¹ Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 156.

соп ҳам бўла олмайдиган домлалардан илм олгансан (266-бет); Оғзидаги луқмасини олдириб қўйган (260-бет); Кошакнинг куйдирган каллани эслатувчи тиржайган башараси кўринди (270-бет).

Тоҳир Малик қиссада бадиий тасвир воситасидан ўхшатишни жуда ҳам топиб ўрнида қўллайди: «Қора булут чоки сўкилиб, бирдан кўёш чарақлагандай бўлди»(11-бет). Қаҳрамонларнинг ҳолатини, характериани очиб бериш мақсадида ёзувчи табиатда содир бўладиган ҳодисалардан унумли фойдаланади. «Кундошларнинг бир-бирига тикилиб қолишганини вулқон арафасидаги сукунат деб билиб, портлаш юз бермасидан ўзини четга олишни маъқул кўрди»(44-бет); «Дунё бамисоли кўкариб тезда қуриган далага ўхшашини, эҳтиётсизлик қилинса бу манзара кишини алдаб қўяжагини, алданган эса бир куни ҳаёти сарғайиб сўла бошлагач, маъюс ва ғамгин бўлажагини англайди... Дунёни фоҳишанинг кучоғидай тотли деб ўйлайди. Дунёнинг ботқоқ юзасини қоплаган ўтлоққа ўхшашини, ўйламай ташланган ҳар бир қадам ботқоққа ботиражаги мумкинлигини фаҳм этмайди» (81-бет).

Маҳоратли ёзувчи бадиий асарда инсон, воқеа-ҳодисалар ҳақида реал ҳаётдагидан ҳам жонли маълумотлар келтиради, воқелиқдаги бир кўз илғамаган, хаёлимизга ҳам келтирмаган нарсалар ҳақида ҳикоя қилади, бадиий тасвир воситаларидан усталик билан фойдаланади, қаҳрамонлар ички дунёсига кириб, таҳлил ва хулосалар қилади, уларнинг ташқи ва ички портретини баён қилади, тилининг жозибали бўлишига эришади. Тоҳир Малик юқоридаги унсурлардан маҳорат билан фойдаланади. Тили содда, равон, бадиий жозибаси юқори даражада. Ёзувчи қаҳрамоннинг одатлари, унинг ўй-фикрлари ва хоҳишларини баён қилар экан, жудаям чиройли иборалар билан тасвир этади, анафора, бадиий тасвир воситаларни қўллаш орқали жумлаларнинг жарангдорлигини, истакнинг кучлилигини беради. Асарда содда гап, қўшма гап, содда ёйиқ гап ва бошқа гап турларидан моҳирона фойдаланади. Жумлаларни ёзувчи Қаҳҳордек ипга маржон каби тизиб чиқади.

Асарнинг тили нафис, мазмунли, жонли, аниқ ва ширалидир. Халқ тили бойликларидан, ифода ва тасвир воситаларидан ўринли фойдаланиш орқали тил бадииятини юзага келтириш ижодкор маҳоратининг бош мезони ҳисобланади. Тоҳир Малик ана шу халқ тили элементларидан унумли фойдаланади. Ёзувчи китобхонни қаҳрамонлари билан югуртиради, бирга ўйлатади, бирга ғамга ботириб, қувнатади. Худди югуриб бораётган сизу ҳозир йиқилиб тушасиз, бирор нарсага урилиб кетмаслик учун ўзингизни панага тортасиз. Адиб бундай таъсирга тил орқали эришади. Чунки ёзувчи сўз орқали ҳаётни бадиий ташкил қилиш ва ифодалаш имкониятига эга бўлади.